Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

7 4-йил чиқиши
МАРТ 1969 й
ЖУМА
№ 56 (1820).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲОДИМЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

6 март куни Санъат саройида пахтакорлар ва чорвадорларнинг, ирригаторлар ва чўлқуварларнинг, мўл ҳосил миришкорларининг катта кенгаши очилди.

1969 йилги мажбуриятларни бажариш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилоти ва барча қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг вазифалари тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Доклад юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади. Ш. Р Рашидов қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги муваффақиятлари учун Қашқадарё ва Хоразм областларига ҳамда Қорақалпоғистон АССР га Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг эсдалик байроқларини бериш тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттирди ва ана шу областларнинг ҳамда автоном республиканинг вакилларига байроқларни топширди.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг 1969 йилги социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар.



«Уртоқ» кондитер фабрикасининг коллективи Мамлакат Мирзаевани бир овоздан Киров район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Бу —ёш ишчи коллектив ўртасида катта ҳурмат қозонганидан далолат беради. М. Мирзаева икки машинада ишлаб, смена топшириқларини 125 процентга етказиб бажаради.

СУРАТДА: М. Мирзаева.

А. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ).

«ТАШСЕЛЬМАШ», «ТАШАВТОМАШ» ВА ТРАКТОР-ЙИҒУВ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ТАШАББУСИГА ОҚ ЙЎЛ!

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, МАШИНАСОЗЛАР!

Қишлоқ механизаторларининг машинасозларга очиқ хат-мурожаати

Биз, қурултой қатнашчилари «Ташсельмаш», «Ташавтомаш» ва Трактор-йиғув заводлари коллективларининг «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида босилган мажбуриятини зўр қониқиш билан ўқиб чиқдик. Улар деҳқонларга кўпроқ техника етказиб беришга аҳд қилиб, янги ватанпарварлик ташаббусини бошлаб бердилар.

Қишлоқ меҳнаткашларига улкан ёрдам кўрсатаётганликлари учун Ўзбекистон пойтахти машинасозлик корхоналарининг ишчилар коллективларига самимий миннатдорчилик изҳор қиламиз. Бу ташаббусда қишлоқ ва шаҳарнинг бузулмас дўстлиги янги куч билан ўз ифодасини топган.

Владимир Ильич Ленининг сўзларини эслайлик: ишчилар ва деҳқонлар иттифоқи — Совет ҳокимияти бизга мана нималарни берди. Мана унинг кучи нимада. Бизнинг муваффақиятларимиз ва узил-кесил ғалабамизнинг гарови мана нимада! Доҳийнинг бу сўзлари янги куч билан, чуқур маъно билан янграмоқда.

Тарихни эслаб кўрайлик. 1917 йилда республика мамлакатга бор-йўғи 250 минг тонна пахта берди. 18 йил ўтгандан сўнггина деҳқонлар биринчи марта миллион тонналик маррани эгалладилар. Эндиликда эса республикамиз ҳар йили 4 миллион тоннадан зиёд пахта етиштирмоқда ва 5 миллион тонналик марра сари дадил бормоқда.

Республика машинасозлари, айниқса, Ўзбекистон пойтахтининг ишчилари актив ёрдам бермаганларида пахтакорлар бундай юксак натижаларга эришолмаган бўлардилар.

Тошкент машинасозлари ва конструкторлари мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта териш машиналари яратдилар. Дастлабки «СХМ-48» далаларга биринчи марта 1949 йилда чиққан эди. Ўшанда бор-йўғи 284 комбайн ишлаган эди.

1963 йилдаёқ республика механизаторлари машиналар билан 578,8 минг тонна пахта териб (бу ҳосилнинг 15,7 процентини ташкил қилган эди) рекорд ўрнатдилар. Утган йили эса механизаторлар 1 миллион 620 минг тонна ёки ҳосилнинг 40 процентдан зиёдрогини машиналарда териб олдилар.

1968 йил ҳосилини йиғиб-териб олиш учун курашда «Ташсельмаш» заводи ишчилари қўли билан яратилган 26 минг «зангори кема» ҳал қилувчи роль ўйнади.

АЖОЙИБ ТЕХНИКА ЕТКАЗИБ БЕРГАНЛИГИНГИЗ УЧУН СИЗЛАРГА ЧИН ҚАЛБДАН РАҲМАТ АЙТАМИЗ. МАШИНАСОЗЛАР! ЭНДИЛИКДА МЕҲНАТИМИЗ АНЧА ЕНГИЛЛАШДИ ВА СЕРУНУМ БЎЛИБ ҚОЛДИ.

Ишчилар коллективлари, конструкторлар эришилган натижа билан чегараланиб қолмай, ижодий ишни давом эттираётганликлари, замонавий техниканинг янги намуналарини яратаётганликлари қувончлидир.

Бу жиҳатдан 1968 йил, айниқса, қувончли бўлди. Шу йили «Ташсельмаш» заводи дарвозасидан қишлоқлар томон бир йўла тўрт қатордаги пахтани терадиган «Ўзбекистон» машиналари карвони йўл олди. Деҳқонлар бу машинани қувонч билан кутиб олдилар.

Тошкент трактор йиғувчилари ўтган йили 50 от кучига эга бўлган пахтачилик учун мослаштирилган «Т-28Х4» чопиқ тракторини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Худди шу туфайли пахта далаларига бир йўла тўрт қатордаги пахтани терадиган комбайнлар етиб келди.

«Ташавтомаш» заводи коллективи пахтачилик учун мўлжалланган трактор яратиш ва уни ишлаб чиқариш устида иш олиб бораётганлигини эшитиб ғоят қувондик. Биз бу янги механизмларни сабрсизлик билан кутамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети яқинда пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни янада ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ва йиғим-теримни механизациялаш даражасини ошириш ҳақидаги гамхўрлигининг янги бир далилидир.

Республика деҳқонлари олдида бу йил катта вазифалар турипти. Бу улкан вазифаларни техника тараққиётисиз ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳридаги план топшириқларини ошириб бажариб, қишлоққа юксак унумли техникани кўпроқ етказиб беришга, механизмларнинг чидамлилигини оширишга, колхоз ва совхозларни техника учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлашга аҳд қилган машинасозлик корхоналари ташаббуси қалбимизда миннатдорчилик туйғуларини уйғотди.

БОШҚА МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДЛАРИ, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР БУЮРТМАСИНИ БАЖАРАЁТГАН КОРХОНАЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАМ БУ ТАШАББУСГА ҚУШИЛАДИ ДЕБ ИШОНАМИЗ.

Қадрли дўстлар, биз сизлардан такомиллаштирилган унумдор техникани кўпроқ етказиб беришингизни кутамиз. Ўз меҳнатимиз ишчилар меҳнати билан уйғунлашиб кетганлиги билан фахрланамиз.

В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг тус олаверсин, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг бузилмас дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

Д. ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон КП Қорақўл район комитетининг биринчи секретари. Т. ОХУНОВА, механик-ҳайдовчи, Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг участка бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР Олий Совети депутати, С. АБДУКАРИМОВ, Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номидаги совхознинг звено бошлиғи, механик-ҳайдовчи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, А. ТОШМИРЗАЕВ, Балиқчи районидаги Ленин номли колхоз раиси, И. ИСМОИЛОВ, Охунбобоев районидаги «Иттифоқ» колхозининг раиси.

МАКТАБГА АВЛОНИЙ НОМИ БЕРИЛДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети темир йўл бошқармасига қарашли 40-мактаб коллективининг илтимосини инобатга олиб, ана шу мактабга ўзбек халқининг севимли шоири, жамоат арбоби Абдулла Авлонийнинг номини беришга қарор қилди.

20 йилларда Абдулла Авлоний ерли миллат халқлари учун Тошкент шаҳридаги дастлабки билим ўчоқларидан бири бўлган ана шу мактабга асос солган эди. Ўтган йиллар давомида мазкур мактаб кучоғида меҳнаткашларнинг қанчадан-қанча ўғил-қизлари билим чўққиларини эгаллади.

● Маданият уйи янгиликлари

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Охунбобоев номли шаҳар Маданият уйида жойлашган 22-сайлов участкасига қарашли 22-агитпунктда агитаторларнинг навбатдаги семинар-кенгаши ўтказилди. Унда сайловолди ишларини янада яхшилаш ҳақида амалий тадбирлар белгиланди.

Зўр қизиқиш

Маданият уйида ўтказилаётган тематик кечалар, серфайзлиги ва мазмундорлиги билан сайловчиларга жуда манзур бўлмоқда. Навбатдаги бундай кечага район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Назаров таклиф этилди. У безорилikka қарши кураш ва жамоатчиликнинг бурчи ҳақида суҳбат ўтказди. Кеча охирида маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари иштирокида концерт қўйиб берилди.

«САЛОМАТЛИК КУНИ»

Ана шу мавзуда бу ерда суҳбат ва консультациялар тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда болаларни ангина касаллиги, гриппдан ва бошқа тез тарқалувчи юқумли касалликлардан сақлаш чоралари ҳақида 4-шифохона врачи Т. Шокирова суҳбат ўтказди.

«Саломатлик куни» мавзусидаги бундай суҳбатларга шаҳримиздаги шифохоналарнинг медицина ходимлари таклиф қилинмоқда.

Т. НАЖМИЙ,
«Тошкент оқшоми»нинг штатсиз мухбири.

● *Бизнинг интервью*

Адабий алоқалар

Сағдулла АББОСОВ,
«Қорақалпоғистон» нашриёти бадиий адабиёт бўлимининг бошлиғи

Ўтган йил нашриётимиз учун жуда маҳсулдор йил бўлди. Шеърий ва прозаик асарлардан жами 30 дан ошиқ китоб нашр қилинди.

Биз ўзбек оғаларимизнинг китобларини нашр этишга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Кейинги бир неча йил ичида Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романлари, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони қорақалпоқ тилига таржима қилиниб, ўқувчиларга тақдим этилди. Шу кунларда ўзбек ёзувчиларининг ҳикояларидан иборат тўплам чиқиш арафасида турипти.

Ўзбекистонда ўтаётган Қорақалпоғистон АССР адабиёти ва санъати ҳафталигига инкиа оғаини халқ дўстлигини янада мустаҳкамлайди, маданиятдаги ютуқлари билан таништиради. Биз ўзбек ёзувчи ва шоирларининг янги асарлари билан қорақалпоқ ўқувчиларини мунтазам таништириб боришга бундан кейин ҳам ҳаракат қиламиз.



СУРАТДА: Нукус радио ва телевидениесининг солистқаси Б. Саидова қўшиқ ижро этмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

● *Бизнинг интервью*

ОРЗУЛАРИМ КЎП

Улмамбет ХЎЖАНАЗАРОВ,
«Амударё» журнали адабиёт бўлимининг мудири, шоир

Мен ўзбек дўстлар билан учрашишни доимо орзиқиб кутаман.

Ўтган йил ёзида Тошкентда бўлиб ўтган республика ёш шоирлар фестивалида иштирок этган эдим. Унда ёш ижодкорларга фойдали бўлган гаплар айтилди.

Ҳозир «Қорақалпоғистон» нашриётида биринчи шеърий тўпламим нашрга тайёрланяпти. У «Армон» деб аталади. Шеърларимда замондошимнинг орзу-армонларини, турли соҳаларда бунёдкорлар меҳнатини, халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликни кўрсатишга интилганман. Булар орасида Самарқанд ва Бухоро таассуротлари асосида ёзилган бир туркум шеърлар бор. Ҳафталикдан сўнг бу туркумни яна давом эттириш орзусидаман.

ҲАФТАЛИК КУНДАЛИГИ

ОБИДАЛАР ШАҲРИДА

Бугун

қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги қатнашчиларининг областлар бўйлаб сафарга чиққан икки ижодий группаси Самарқандга келди. Улар қадимий обидалар шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Бир қанча муассаса ва корхоналарда қардош республика санъаткорларининг ишчи-хизматчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Шаҳар меҳнаткашлари қадрли меҳмонларни ҳамма жойда зўр ҳурмат ва эҳтиром билан қаршиладилар.

Кечқурун қорақалпоқ санъаткорлари тушган поезд Самарқандан Тошкентга йўл олди.

ПАХТАКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бугун

кечқурун қорақалпоқ санъаткорларининг катта бир ижодий группаси Сирдарё областидаги «Пахтаорол» совхози меҳнаткашларига концерт қўйиб беради. Группага автоном республиканинг таниқли санъаткорлари— хушовоз хонанда ва раққосалари киритилган.

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИДА

✦ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС партия иши тажрибаси билан танишиш учун Совет Иттифоқига келган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Йозеф Кемпнини шу йил 5 мартда қабул қилди.

Л. И. Брежнев ва Й. Кемпни ўртоқлар ўртасидаги суҳбат самимий ўртоқлик вазнятида ўтди.

✦ 1969 йил 5 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдошларн — «Космос-268» ва «Космос — 269» учирилди. Иккала йўлдош ичига 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

✦ СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси сэр Данкен А. Вильсонни кеча Кремлда унинг илтимосига кўра қабул қилди ва суҳбатлашди.

ОБ-ҲАВО БУГУН

Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариб туради. Шимолий-шарқ томондан шамол эсиб туради. Кечаси 3—5, эртага 5—7 даража иссиқ бўлади.

СТУДЕНТЛАР ҲУЗУРИДА

Бу йил Тошкент Давлат педагогика институти табиёт-география ва қишлоқ хўжалиги асослари факультети деканати ва партия ташкилоти В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан республикамизнинг кўзга кўринган олимлари билан учрашув ўтказишни планлаштиришган эди.

Куни кеча Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. З. Зокиров ҳамда профессор. Х. Х. Енилеев факультет ўқитувчилари ва студентларининг меҳмони бўлдилар.

Олимлар ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари, билим чўққиларини эгаллаш, табиият фанларига материалистик ёндошиш, доҳий асарларини қунт билан ўқиш ҳақида гапирдилар.

КОМСОМОЛЛАР АНЖУМАНИ

Шаҳримиздаги 111-мактабда комсомолларнинг одатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга райондаги барча бошланғич комсомол ташкилотларининг секретарлари, бош пионервожатийлари таклиф қилинди.

Мактаб бошланғич комсомол ташкилоти секретари О. Ҳамидов 400 дан ортиқ комсомолни ўз атрофига бирлаштирган комсомол ташкилотининг фаолияти ҳақида гапириб берди. Шундан кейин сўзга чиққан ёшлар комсомол ишидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўзладилар.

Район бошланғич комсомол ташкилотларининг секретарлари мактаб комсомолларининг иши билан ҳам яқиндан танишиб, комсомол иши, уни янада яхшилашга қаратилган ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Октябрь район комитетининг секретари Д. Мадқаримова район комсомолларининг бу қизиқарли анжуманига якун ясади ва ана шундай комсомол анжуманларини тез-тез ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Ҳамза район раҳбарларининг студентлар билан учрашуви

Ёшларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, Ҳамза район партия комитети район раҳбарлари билан медицина ва фармацевтика институтлари студентларининг учрашувини ўтказди. Унда район партия комитетининг секретарлари Ғ. Пўлатов, А. Шчербаков, район ижроия комитетининг раиси Д. Шахбозов, район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири К. Муталов, райпишчеторг директори Р. Зоҳидов ҳамда транспорт, суд, милиция ходимлари қатнашдилар.

Ҳамза райони шаҳримиздаги йирик саноат районларидан бири. Бу ерда катта-катта саноат корхоналари, чунончи, Чкалов номидаги авиация заводи, «Ташсельмаш», «Ташкентвино» заводлари жойлашган. Бу корхоналарда ишлаб чиқилган маҳсулотлар Совет Иттифоқидагина эмас, кўплаб чет мамлакатларда ҳам машҳур.

Район ташкил этилганидан буён давлатга планидан ташқари 5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди. Бу йил ҳам район меҳнаткашлари ана шундан ортиқ ютуққа эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳақда студентларга район партия комитетининг секретарлари сўзлаб беришди.

Районда қурилиш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Янги кўчалар, трамвай йўллари, хиёбонлар, майдонлар барпо этилмоқда. Ошхоналар, магазинлар, буфетлар қурилиб, халқ ихтиёрига топширилаётир. Районнинг келажаги ҳам порлоқ.

Йиғилишда студентлар ҳам ўз фикр мулоҳазаларини билдирдилар.

Шоисломова: — Аввал институтимиз қаршисида эски, соддагина қурилган бир дорихона бўларди. Шу атрофда яшовчиларга бирор дори-дармон керак бўлса, дарров олиб кетишарди. Бу дорихона ҳозир йўқ. Уни бузиб ташлашган. Эшитишимизча, янги дорихона биноси қурилармиш. Аммо бу иш бошланганича йўқ. Одамлар эса дори-дармон учун Госпиталь бозори яқинидаги дорихонага боришмоқда.

Қодирова: — Кўпчилик студентларимиз институтга 18-трамвай билан боришади. Жуда қулай маршрут. Аммо унинг охирги бекати негадир Сув спорти саройида. Институтимизга ана шу трамвай орқали ҳар куни минглаб киши қатнайди. Унинг маршрутини уч бекатга узайтириш мумкин эмасмикин.

Бахриддинов: — Институтимизда бирор студент йўқки, бу ердаги ошхона ҳақида ёмон фикр билдирмасин. Чунки ошхонамизда тайёрланаётган овқатларнинг сифати паст. Навбат кутиб ҳеч бўлмаганда ярим соат туриш керак. Ҳатто, овқатларни тақсимлаш учун патнислар етишмайди, вилкалар ҳам оз. Столлар устида эса салфеткалар йўқ. Бир сўз билан айтганда бу ошхонага кирган одам таъбини хира қилиб чиқиб кетади. Бу ошхонага келувчилар сонини камайтириш мақсадида унинг яқинида қўшимча дўкончалар очилган. Уларда ҳам сомса ва печеньедан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Учрашувда яна бир неча муҳим масалалар кўтарилди. Студентлар ҳам, район раҳбарлари ҳам зўр мамнуният билан тарқалишди.

● Ленинномa янгиликлари

«ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЛЬЯНОВГА ТОПШИРИЛГАН...»



В. И. ЛЕНИН — юрист... Коммунистик партия ва Совет давлатининг буюк асосчиси фаолиятининг ана шу томонлари ҳақида сўнгги вақтгача жуда оз нарсагина маълум эди. Унинг юрист сифатида олиб борган ишлари қасрда?

Новосибирсклик юрист ва ёзувчи В. Шалагиновни ана шу савол қизиқтирди ва кўп йиллар давомида тинчлик бермади. Изланишлар бефойда кетмади. У 1964 йил апрелида марказий партия архивида Владимир Ульянов 1892—1893 йилларда Самара округ судида олиб борган делолар билан танишиб чиқди.

В. Шалагиновнинг «Ҳимоя қилиш Ульяновга топширилган...» китоби (Ғарбий Сибирь китоб нашриёти, 1967 йил) чор судида Владимир Ильич ҳимоя қилган оддий, муҳтожлик ва ғам-ташвишларда эзилган кишилар ҳақида илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда, ёрқин, жонли ҳикоя қилиб беради.

Мана деҳқон Василий Муленков делоси. Муленков атторлик дўконида аввал худо ва пайғамбарларни ҳақорат қилиб, сўнгра император ва унинг меросхўрларини ҳақорат қилади. «нотўғри ҳукм юритяпти» деб уларни қоралайди. Адвокат Ульяновнинг бу деҳқонинг айбдор эмаслигини исботлаши осон эмасди.

Самарада адвокат В. Ульянов иштирокида кўриб чиқилган 18 суд делоси сақланиб қолган. У ҳонавайрон бўлган камбағалларни, баъзан тухмат билан айбланган бечораларни ҳимоя қилиб чиққан. Улар қонун даражасига кўтарилган бебошликнинг қурбонлари эди.

В. Шалагинов Владимир Ильич олиб борган делоларни чуқур таҳлил қилиб, кўпгина камбағаллар суддан ўзларига В. Ульяновни ҳимоячи қилиб тайинлашни сўраганликларини таъкидлаб ўтади.

Шуниси равшанки, Владимир Ульянов оддий, камбағал кишиларни ҳимоя қилиб, улардан мойдий фойда ололмас эди. Ульяновларнинг моддий аҳволи эса улар Самарада яшаган вақтда анча оғир эди. Шунга қарамай Ленин ўзи ҳимоя қилмоқчи бўлган ишларни синчковлик билан танлаб оларди. Унинг бой одамларга ёрдам беришдан бош тортиши кўп адвокатларни ҳайратга соларди.

Савдогар Ритиков уйининг ертўласидан молларини ўғирлаб кетишган. Савдогар бу зарар қопланишини истайди. Лекин Владимир Ильич Ульянов савдогарнинг «катта ҳақ эвазига» адвокат бўлиш ҳақидаги таклифини рад этади.

Ирик аллоп Ф. Красников бошқирд ерларини олиб сотишда катта бойлик ортириб, «деҳқонларни сал ортиқроқ қисиб қўйгани учун» судга тушди. Красников Владимир Ульяновга мурожаат қилди:

«— Мени ҳимоя қилишни сен ўз қўлингга олганингни билишса, бинобарин, деҳқонлар олдида мен унчалик айбдор саналмайман».

Владимир Ильич савдогарни ҳимоя қилишдан бош тортди.

Чор Россиясида бойлик — ҳуқуқ эканлигини, қашшоқлик ҳуқуқсизлик эканлигини Ленин яхши биларди. У буржуазия адвокатурасининг азалий хислатларини, яъни маънавий нопоклик, тушкунлик, пулга берилиш, сафсатабозлик, сансалорлик хислатларини ёмон кўрарди.

Китобда жуда қизиқарли ва характерли фактлар кўплаб келтирилган. Мана, савдогар Арефьев ҳақидаги дело. У шаҳар четида Волганинг бир қисмини сотиб олиб, тез юрадиган кема келтиради. Қирғоқни тахталар билан тўсиб, причал ясади ва қайиқчиларнинг одамларини бир қирғоқдан иккинчисига ўтказишига йўл қўймади. Бир куни у қайиқчиларга В. И. Ленин ва М. Т. Елизаровни бир қирғоқдан иккинчисига олиб ўтишга йўл бермади.

В. И. Ленин Арефьевга қарши жиноий иш қўзғатди. Бу В. И. Ленин ҳаётидаги чор судига мурожаат қилинган бирдан бир иш эди. Ўша вақтдаги ҳуқуқ тилида бу шахсий айблаш, тарих ва сиёсат тили билан айтганда эса, оммавий айблаш эди.

Россия жиноят кодексида ўзбошимчаликни жиноят, ўзбошимчалик қилувчи кишини жиноятчи деб билувчи модда олдиндан ҳам бор эди. Нима қилиш керак? Земский бошлиғи савдогарни ҳимоя қилишга уруниб кўрди, аммо Ленин қаттиқ туриб олди. Мана суд қарорининг охири:

«Самаралик савдогар Арефьев бир ой давомида турмада сақлансин».

Я. СУХОТИН.

(«Наука и жизнь» дан).



«Узбекхлопкомаш» заводининг токарь коммунист Николай Касьяненко — ишлаб чиқариш илғори. У ўз коллективи ўртасида катта обрў қозонган. Унга коллектив юксак ишонч билдириб, меҳнаткашлар депутатлари Куйбишев район Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

СУРАТДА: Н. Касьяненко.

Е. Яшкин фотоси.

Агитатор

Ҳаётимда иккинчи бор энг муҳим жамоатчилик топшириғи— агитаторлик вазифасини менга ишониб топширишди. Биз агитаторлар, ўзимизнинг асосий ишимиздан ташқари ишдан кейин агитпунктларга йиғиламиз, унинг безатилишига, тегишли адабиётлар билан ҳамиша бойиб туришига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Кейинчалик ўзимизнинг асосий вазифамизга ўтамиз. Сайловчиларнинг хонадонларига йўл оламиз, дастурхондаги бир пиёла чой устида суҳбатлашамиз. Суҳбатимиз мавзуси жуда ранг-баранг.

Баъзида ёш сайловчилар сайлов куни сайловчи иш юзасидан ёки отпускка олиб бошқа шаҳарга кетиб қолса, у ўша шаҳарда сайлаш ҳуқуқига эга бўладими, деган саволларни беришади.

Бизнинг совет сайлов системамизга асосан сайловчи сайлов куни мамлакатимизнинг қайси шаҳрида иш юзасидан ёки меҳнат отпускаси билан бўлишидан қатъий назар, сайлаш ҳуқуқига эгадир.

Сайлов куни кўпгина сайловчилар билан биргаликда миллионлаб аёлларимиз ҳам сайлов қутилари ёнига келади. Совет хотин-қизлари давлатнинг кундалик сиёсий ва жамоат ишларида фаол қатнашмоқдалар. 15 минга яқин ўзбек хотин-қизлари республикамиз маҳаллий советларининг депутатларидир. Марҳамат Йўлдошева, Бахри Ғофурова, Маъмура Каримбоева, Фотима Жўраева, Зуҳра Саидмурадова каби шаҳримизнинг меҳнатда пешқадам аёллари ана шулар жумласидандир. Совет сайлов системасининг энг муҳим афзалликларидан бири ҳам ана шундадир.

Биз агитаторлар ана шу афзалликлар ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдамиз.

Р. СОБИТОВ,
абразив комбинатининг инженери, агитатор.

АВТОМОБИЛЧИЛАР ПЕШҚАДАМИ

Шоферлик касбининг ҳам ўзига яраша завқи, гашти бор. Аммо унинг қийинчиликлари ҳам йўқ эмас. Шофёр ҳаммадан аввал ўткир кўзли, сезгир бўлмоғи керак. «Главташкентстрой»га қарашли транспорт бошқармаси 7-автобазанинг шофёри Маннон Фаттоҳов ҳам ана шундай кишилардан.

Маннон Фаттохов автобаза ташкил этилган 1963 йилдан шу вақтгача бу ерда хормай-толмай меҳнат қилмоқда. Қурувчилар унинг ишидан доимо хурсанд. Чунки Маннон Фаттохов ҳар доим ўзига белгиланган ишларни муддатидан илгари адо этади.

М. Фаттохов машинага эҳтиёткорлик билан қарайди. Ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Ўтган йили у бир минг литрдан ортиқ бензинни иқтисод қилди. Бунинг ҳисобига у минг тоннадан зиёд қурилиш материаллари ташиб берди. Шуниси ҳарактерлики, у бир неча минг километр масофани ҳеч қандай аварияси босиб ўтди ва ҳеч қачон кўча қоидаларини бузмади.

Илғор шофёр, коммунистик меҳнат зарбдори Маннон Фаттохов шу кунларда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан қутиб олишга ҳаракат қилиб, кунлик нормасини 120—130 процент адо этмоқда.

Бундан бир неча кун муқаддам бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишда автомобилчилар М. Фаттоховга юксак ишонч билдиришди ва меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Советига депутатликка унинг номзодини кўрсатишди.

П. СЕЛЕЗНЕВ.

Номзодлар билан учрашув

Район ижроия комитетининг мажлислар залида шаҳар ва район Советлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувга шаҳар Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган ёғочсозлик-тара заводининг станковчиси Ҳабиба Охунжонова, Сергели бирлашган авиа бўлинмасининг вертолёт учувчиси Борис Борисов район Совети депутатлигига Т. Зайнутдинов, Е. Копилов, М. Тешабоев, Н. Тожибоев, Н. Абдуллаев, В. Иванчина, П. Глаголевская, С. Ҳолтаева З. Бекулбеков, Л. Қийриянц, Х. Халимтоев, У. Самадов, М. Иброҳимова ўртоқлар келдилар.

Сайловчиларнинг ўз номзодлари билан учрашув кечасини район ижроия комитетининг раиси З. Қ. Қодиров очади ва депутатликка номзоди кўрсатилган ўртоқларнинг ишончли вакилларга сўз беради. Ишончли вакиллар халқ номзодларининг меҳнат фаолияти ҳақида сайловчиларга батафсил сўзлаб бердилар.

Сўзга чиққан сайловчилар райондаги транспорт, хонадонларни ёритиш ишларини янада яхшилашга қаратилган ўз нақазларини депутатларга маълум қилдилар.

Учрашув кечаси қатнашчиларга район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари катта концерт қўйиб бердилар.

***

Халқ номзодларининг сайловчилар билан учрашувлари райондаги бошқа сайлов участкаларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Шоштепа массивидаги ёғочсозлик-тара заводи клубига жойлашган 10-сайлов участкасида шаҳар Совети депутатлигига номзодлар — Сергели район ижроия комитетининг раиси Зокир Қодиров, 4-автопарк шофёри Мирсодиқ Аббосов, район Совети депутатлигига номзодлар Н. Рашидова, Ю. Жўраев, М. Пирматова, Н. Кодироваларнинг сайловчилар билан учрашуви ҳам қизиқарли бўлди.

Райондаги 2-4 сайлов участкасида эса шаҳар Совети депутатлигига номзодлар — «Узбекистон» ишлаб чиқариш Бирлашмаси директори Л. М. Арушанов, Тошкент ремонт механика заводининг слесари В. Михайлюк, «Ватан» мебель фирмасининг ишчиси В. Волкова, район Совети депутатлигига номзодлар — судья Н. Рахматуллаев, ўқитувчи Э. Рибеслар билан учрашув бўлиб ўтди.

Темир-бетон конструкторлари ва шпаллари заводи клубида эса шаҳар Совети депутатлигига номзодлар шу завод методисти Н. Фролова, 13-кўприксозлик отряди ишчиси В. Лопатина, район Совети депутатлигига номзодлар И. Тўлаганов, М. Мирзаахмедов, Т. Миниханова, Л. Фисак, А. Турсунбоевлар билан бўлган учрашув ҳам коммунистлар ва партиясизлар бузилмас блокининг ёрқин ифодаси бўлди.



СУРАТДА: Октябрь районидаги 37-сайлов участкасининг ёш агитаторлари (чапдан ўнгга) М. Бобосва ва А. Тошўлатова.

16 март Маҳаллий Советларга сайлов

АКТИВЛИК БИЛАН

Бизда техникумнинг ўқув корпуси ҳам, сайлов участкаси ҳам, кўчамиз ҳам янги. Янгидан ташкил топган 34-сайлов участкасида сайловга тайёргарлик ишларини қизитиб юбордик. 34 агитатор ҳозир аҳоли ўртасида лекция ва суҳбатлар олиб бормоқда. Участкамизда 2250 сайловчи овоз беради. Ўқитувчи-агитаторлардан Нурхон Йўлдошева, б-бтоқхонада, Мавжуда Раҳматуллаева «Қизил Узбекистон» газаллосида, Мавжуда Шермуҳамедова Кўл кўчаси аҳолиси ўртасида суҳбатлар олиб бормоқда, Тамара Асфандиёрова, Елена Чеботарёвалар студентлар ўртасида «Инсон ва қонун», «Инсон давлат, ички система» темаларида, Галина Маслакова эса «Совет сайлов системаси» мавзуида лекциялар ўқишди.

Сайлов компаниясида студент қизлар ҳам бизга яқиндан ёрдам беришмоқдалар. Техникумнинг хушовоз қўшиқчилари сайлов кунига атаб янги қўшиқлар ўрганмоқдалар.

М. АЛИМХУЖАЕВА,
маданий-оқартув техникуми илмий бўлим мудири, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

● Фан—турмушга

ЎСИМЛИКЛАР ТАДҚИҚИ

Институтимиз 1950 йили ташкил этилган бўлиб, дастлаб унда 5 лаборатория бўлган холос. Ҳозир эса институт 5 бўлим ва 16 лабораторияни ўз ичига олади. Республикамиз флора ва ўсимликлар дунёсини ўрганиш ва улардан рационал фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш институтнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бу соҳада ҳозир 250 га яқин киши тинмай меҳнат қиляпти. Булар орасида 6 фан доктори ва 60 га яқин фан кандидати бор.

Институтимиз кенг тармоқли бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган 10 та темани ўз ичига олган 2 проблема ҳал қилинаяпти.

Жумладан систематика лабораторияси олимларининг кўп йиллар олиб борган самарали ишлари туфайли Узбекистонда 4170 дан ортиқ ёввойи ва кенг тарқалган маданий ўсимлик турлари борлиги аниқланди ва натижада шу турларни ўзида мужассамлантирган «Ўзбекистон флораси» номли 6 жилдли монограф асар яратилди. Монографияни тайёрлашда республикамизнинг кўпгина таниқли олимлари қатнашди. Ўзбекистон ҳукумати монографияга юксак баҳо бериб, унинг муаллифларидан бир группасини Беруний мукофоти билан тақдирлади. Булар Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги К. З. Зокиров, фан кандидатлари А. И. Введенский, М. М. Набиев А. Я. Бутков, С. С. Ковалевская ва В. Х. Пазийлардир.

Геоботаникларимиз УзГИПРОЗЕМ лойиҳа институти билан биргаликда қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларини планлаштириш имконини берадиган ўрта масштабли Ўзбекистон ўсимликларининг картасини тузиб чиқдилар. Шунингдек улар ўз материаллари билан СССР ўсимликлар қоплами картасини тузишда ҳам қатнашмоқдалар.

Ботаника институтида фойдали маданий ўсимликлар сонини кўпайтириш борасида ҳам баракали ишлар қилинмоқда.

Усимликлар хом ашёси бўйича институтнинг аҳил коллективи ошлов экстракт саноати учун маҳаллий флорамиз орасидан, ўзида ошлов моддаси сақловчи торон, чухра, отқулоқ, геран каби ўсимликларни аниқлаштириш ва уларни мадданийлаштириш учун бир қанча тадбирларни амалга оширдилар.

Саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз тез суръатлар билан ўсиб бораётган ҳозирги пайтда ботаникларимиз халқ хўжалигининг ўсимликлар хом ашёсига бўлган талабини қондириш устида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, техника ўсимликларини маданийлаштириш институтнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Бу ўринда ошлов моддаси ва сапонин сақловчи ўсимликларга бўлган талабни алоҳида қайд қилиш зарур.

Сўнгги йилларда институтнинг бу бўлимида ширинмия ўсимлиги билан шуғулланувчи янги лаборатория ташкил этилди. Академик К. З. Зокиров бошлиқ бу лабораторияходимлари ширинмия турларини маданийлаштириш, яъни иккиламчи шўрланган ерларда унинг плантацияларини яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

Республика чорвачилигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган қоракўлчиликни ривожлантириш йўлида ҳам зарур тадбирлар кўриляпти.

Олимларимизнинг ғалаба ҳайқириғи — ҳосилдорлик ошди, ҳосил кўпайди, ҳаёт гуллади, ҳаёт янада гўзаллашди. Ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ўзгаришлар, янгиланишлар, ўзгаришлар, янгиланишлар кўзга ташланиб турибди. Ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ўзгаришлар, янгиланишлар, ўзгаришлар, янгиланишлар кўзга ташланиб турибди.

Ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ўзгаришлар, янгиланишлар, ўзгаришлар, янгиланишлар кўзга ташланиб турибди. Ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ўзгаришлар, янгиланишлар, ўзгаришлар, янгиланишлар кўзга ташланиб турибди.

Қизилқумнинг асрлар бўйи қақраб ётган чексиз чўллари республика қоракўлчилигини асосий базаси ҳисобланади. Бу ерда ташкил этилган Ботаника институтининг илмий станцияси чўл ўсимликларининг унумдорлигини ошириш, артезиан сувларидан фойдаланилган ҳолда қудуқлар атрофида суғориладиган экинзорлар бунёд қилиш билан республика қора-кўлчилигини янада юқори поғонага кўтаришга ўз улушларини қўшмоқдалар.

Институтда Ўрта Осиё, шу жумладан Узбекистон сув ҳавзаларининг ўсимликларини ўрганиш соҳасида академик А. М. Музаффаров ва у раҳбарлик қилаётган коллектив самарали ишлар қилмоқда.

Институтда бир хўжайрали сув ўти—хлорелла кучли физиологик активликка эга бўлгани учун ундан юқори сифатли мол озуқаси ўрнида фойдаланиш тадбирлари ишланяпти.

Режаларимиз шундай. Асосий эътибор Узбекистондаги табиий ўтлоқ ва яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ҳом ашёбоб ўсимликлардан мол озуқаси сифатида кенгроқ фойдаланиш, азот тўпловчи кўк-яшил сув ўтларининг тупроқ унумдорлигини оширишдаги ролини кенгайтириш, ҳом ашёбоб ўсимликларни чуқурроқ ўрганиш каби масалаларга қаратилади.

Институтимизда қақраб ётган чексиз шўр ерларни ўзлаштириш ва улардан инсон манфаати йўлида фойдаланишга ёрдам берадиган янги ўсимлик манбаларини излаб топиш ҳамда Қизилқум ва Устюртдаги гипсли унумсиз ерларнинг фитомелиорациясини яхшилашга доир ишлар ҳам планлаштирилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Пленуми қарорларидан руҳланган олимларимиз республикамизнинг янада гуллаб-яшнаши ва ботаника фанининг тараққиёти йўлида зўр ғайрат билан илмий тадқиқот ишларини давом эттирадилар.

Ж. К. САИДОВ,
УзССР Фанлар академиясининг Ботаника институти директори, академик.

Партия турмуши

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУҲИМ МАСАЛА

НИЗОМИЙ номидаги Тошкент Давлат педагогика институти партия ташкилоти (партия бюроси секретари ўртоқ Ҳамидов) ёшлар тарбиясига доимо катта аҳамият бериб келмоқда. 500 га яқин коммунист студентларнинг қандай ўқитётганлиги, уларнинг ётоқхоналарда, жамоатчилик орасида ўзларини қандай тутишаётганидан доим хабардор. Ёшлар тарбияси факультет партия ташкилотлари йиғилишларида ҳам тез-тез муҳокама қилиб турилади.

Яқинда институтнинг 1-ётоқхонасида физика, математика, чизмачилик факультетлари партия ташкилотларининг «ётоқхонада яшовчи студентлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур факультет деканлари А. Ҳикматов, С. Хўжаев, Б. Раҳмонов ўртоқлар ана шу мавзу атрофида атрофлича сўз юритишди. Шундан кейин бу масалада бир нечта студент коммунистлар ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш охирида ётоқхонада тартиб-интизом ҳамда озодалик ҳақида тегишли қарор қабул қилинди. Шунингдек, хоналараро, қаватлараро озодалик, тартиб-интизом бўйича ўзаро мусобақа уюштиришга келишиб олинди ва бунга тегишли муколотлар белгиланди.

Табиёт-география факультетида ҳам коммунистларнинг очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. Унда факультет кафедраларидаги илмий ишлар ҳақида институт партия ташкилоти бюросининг аъзоси Адолат Умарова доклад қилди. Шундан кейин қишки сессия якунлари тўғрисида факультет декани С. Зияев ахборот берди. У ўз нутқида факультет бўйича студентларнинг ўзлаштириши 90 процент бўлганлигини, аълочиларнинг сони 40 дан 65 кишига етганлигини айтиб ўтди.

Педагогика психология факультети очиқ партия мажлисида факультет деворий газеталарининг савияси ни ошириш, бу газеталарнинг ёшлар тарбиясидаги тутган ўрни ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда профессор С. Ражабов гапирди.

● КПСС Марказий Комитети қарорлари амалда

АМАЛИЙ ЖАВОБ

Ўтган йили КПСС Марказий Комитети Узбекистонда енгил саноатни ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бу қарорга биноан республикамизнинг турли шаҳарларида янги енгил саноат корхоналари тиклаш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш йўли билан уларнинг ишлаб чиқариш қувватини кескин ошириш кўзда тутилади.

Тошкент у с т к и трикотаж фабрикаси Узбекистон ССР енгил саноат министрлигининг илғор корхоналаридан биридир. КПСС Марказий Комитетининг қарорларидан руҳланган ана шу фабриканинг меҳнат аҳли саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришда катта ютуқларни қўлга киритиш билан бу қарорга амалий жавоб бермоқдалар.

Фабрика коллективи учун беш йилликнинг учинчи йили зафарлар ва янгиликларга тўла самарадор йил бўлди. Улар йил давомида пландагидан 7 минг дона оппиқ устки трикотаж буюмлари тайёрладилар. Давлатга кўзда тутилган 6 миллион 160 минг сўмлик ўрнига 6 миллион 484 минг ёки планга қўшимча 384 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Шуниндек, кўплаб ҳом ашё, электр қуввати тежаб қолинди. Бундан ташқари, фабрика ўз кучи ва маблағи билан тикланган бир қатор янги ишлаб чиқариш корпуслари: экспериментал-тажриба цехи, бўяш, дазмол-пресслаш ва тикув цехлари ҳамда иситиш маркази ишга туширилди. Фабриканинг тикув цехи янги икки қаватли бинога кўчиб ўтди. Цех чеварлари янги йилнинг биринчи иш кунини ана шу кенг ва ёруғ бинода бошладилар. Цехга жами 4 та конвейер ўрнатилган. Янги қувватнинг ишга туширилиши маҳсулот ишлаб чиқаришни 50 минг донага кўпайтириш имконини беради.

Ўтган йилнинг охирига келиб фабрикага олтита янги станок келтирилган эди. Бундай ҳар-хил размерга мосланадиган, серунум айланма тўқув дастгоҳларининг тўқув цехига ўрнатилиши, янги маҳсулот ишлаб чиқариш корхона қувватини кескин ошириш имконини берди. Ана шу тўқув дастгоҳларида янги хил мато камалан тўқиш ўзлаштирилди. Бу матодан эса фабриканинг эксперименталь-тажриба цехида хотин-қизлар учун қишки кўйлакнинг янги модели тайёрланди. Мана янги йилдан бошлаб ана шундай ҳушбичим кўйлаклар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Фабрика меҳнатчиларининг янги режалари ҳам чакки эмас. Улар бу йили 1 миллион 200 минг дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришни планлаштиришди. Бу йил ҳам кўплаб ҳом ашё ва электр қуввати тежаб қолинади. Янги тўқув цехи қуриб битказилади.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга интилаётган фабриканинг меҳнат аҳли беш йиллик маррани доҳий юбилейигача эгаллаш иштиёқидалар. Шу кунларда бу даргоҳнинг ҳар бир цехида меҳнат жўшқинлиги ҳукмрон. Кундалик топшириқлар ошириб адо этиляпти.

В. КОМИЛОВ.





УЗБЕКИСТОН Фанлар академиясига қарашли Сейсмология институтининг ташкил бўлганига кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа муддатда бу янги илмий сейсмик марказ кўпгина қимматли маълумотларни ишлаб берди.

СУРАТЛАРДА: институт қошидаги «Тошкент» сейсмик станциясининг инженери Эргаш Ҳаитов содир бўлган ер қимирлаш марказини аниқлаш устида ишламоқда.

Сейсмик станциянинг навбатчи старший техниги А. Сахаров сейсмик станция бошқарув пульти аппаратлари ишини кўздан кечирзётир.

М. Нуриддинов фотолари.

«СЕКИН ЁРДАМ»

Тошкент оқшоми"да босилганидан кейин

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг 28 январь сонида босилган танқидий материалда «Тез ёрдам» станцияси айрим беморларни чақиришга ўз вақтида етиб бормаганн кўрсатилган эди.

«Тез ёрдам» станциясининг бош врачи Ф. Комилов редакцияга қуйидагиларни хабар қилди:

Газета материалида кўрсатилган факт дарҳақиқат тўғри. Бу мақола коллектив ўртасида муҳокама қилинди. Бундан буён ана шундай нуқсонларга йўл қўймаслик учун зарур чоралар кўрдик. 2-подстанция мудири Д. Зильберман ва диспетчерлар огоҳлантирилди. Шунингдек, беморларга медицина хизматини яхшилаш ниятида қўшимча енгил машиналар ажратилди.

Ҳафталик қатнашчилари



Қорақалпоқ музика санъатининг йирик намояндаси. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Бердах номли мукофот лауреати, ҚҚАССР композиторлар союзи раиси Одилжон Ҳалилов.



Станиславский номли қорақалпоқ театрининг кекса актёри, ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Мадрайим Матчонов. У шу театрда 43 йилдан буён ишлайди. Кинотомошабинлар уни «Орол балиқчилари» бадиий фильмида Есемурод чол ролида кўрганлар.

К. ТОЖИБОЕВ



ПИРИК ҚОРАҚАЛПОҚ ЖИРОВИ ҚУРБОНБОЙ ТОЖИБОЕВДАН ЁЗИБ ОЛИНГАН «МАНГЛИХОЛ» ДОСТОНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ НАМУНАЛАРИДАН БИРИ. «МАНГЛИХОЛ» ДОСТОНИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ИСЛОМ ДИНИ АРБОБЛАРИГА НИСБАТАН НАФРАТИ ЎЗИНИНГ ЕРҚИН ИФОДАСИНИ ТОПГАНДИР. ДОСТОНДА ШАРИАТ ПЕШВОЛАРИНИНГ РАЗИЛЛИКЛАРИ, ТЕКИНХЎРЛИКЛАРИ, ОЧКЎЗ, БУЗУҚЛИКЛАРИ ҚАТОР МИСОЛЛАР ЁРДАМИДА ОЧИБ ТАШЛАНАДИ. ҚУЙИДА «МАНГЛИХОЛ» ДОСТОНИДАН ПАРЧА БЕРАМИЗ.

АКА-ука иш излаб Богдодга кетмоқчи бўлишади ва етим сингилари Манглихолни «улуғ пир» сифатида ном чиқарган Саъду эшон хонадонига хизматкор сифатида қолдириб кетишади.

Йиғламай энди Манглихол,
Қайтиб бориб шу маҳал,
Эшик олдин супириб,
Идишларни ювади.
Чаққон эди бечора,
Тинмай хизмат қилади,
Эшон мулла Саъдунинг,
Олти хотини борди,
Лаънати айёр эшон,
Жуда фарзандга зор-ди.
Манглихол келгандан сўнг,
Улар қизни синади,
Мулла хотинларининг,
Хизматдан жони тинади.

Саъди отли эшонга,
Ҳар кун таом беради,
Пана сақлаб ўзини,
Эшон таом егунча,
Даҳлизда ўтиради.
Узинг кўрган Манглихол,
Ойдай бўлиб тўлишар,
Бўлди энди Манглихол,
Унтўрт яшар сарвиноз,
Баданлари ул қордай оқ,
Узун бўйли соз, танноз.
Қиз сочини тарайди,
Эшон савол сўрайди
Нозик ниҳол ёп-ёш қиз,
Ёмон кўз-ла қарайди.
Кунлар ўтиб бир куни,
Овқат олиб келганда,
Қиз одоб-ла турганда,
Эшон туриб келади,
Эшикни ичдан илади,

Чўчқадайин семирган,
Сақоллари салпиллаб,
Уртлари унинг тўмпайиб,
Муртлари унинг ҳурпайиб,
Юролмайди меш қорин,
Ҳарсиллаб юрар талтайиб,
Кўзлари энди жиртайиб,
Қизнинг шунда билагидан,
Маҳкам ушлаб олади,
Унга тикилиб қолади.
Қичқирса оғзин босади,
Ичкарига олиб киради,
Отангга лаънат имонсиз,
Ёлғанин қилади.
Борайин деса ери йўқ,
Ботайин деса кўли йўқ,
Кўзининг ёшин артиб,
Хизмат қилиб юради.
Эшоннинг бўлиб нашаси,
Ёдига тушган вақтида,
Шундай бўлди пешаси.
Ойлар ўтди орадан,
Манглихолдай бечора,
Биқинини шул вақтда,
Бураб-бураб олади,
Манглихолдай бечора,
Туғув либосин кияди,
Аъзойи-андоми кяди,
Болпонглаб ғоздай юради,
Буни эшон билади,
Хотинлари эшоннинг,
Кўп азобин беради.
Хотин сўзига чидамай,
Мулла Саъду шум одам,
Шайтон феълига киради,
Сарвонли билан ул Тўлаб.
Асли қонхўр ярамас,
Уша мулла Саъдуга,
Ҳамсуҳбат, ҳамнафас.
Иккисини чақирар,
Бирга маслаҳат қурар.
Дўст йигитлар мард сўзини
олганди,
Бибиларим биздан гумон
қилганди,
Бир хатолик ўтди менинг
бошимдан,
Эшонингиз энди ғамга тўлганди...

Айтувчи ҚУРБОНБОЙ
жирой ТОЖИБОЙ
Қорақалпоқчадан Феруза Султонова таржимаси.

Қадимий диёр бўёқлари



ВИСТАВКА ГА келган томошабинлар шамолда сочи ёзилиб, тўлқинланиб турган дарахт илдизидан тайёрланган ҳайкали — «Амударё»ни Аму ва Орол соҳилларида ястаниб ётган қорақалпоқ диёрининг ўзига ҳос гўзаллик рамзи деб кутиб олмоқдалар. Бу асарнинг автори ёш ҳайкалтарош Ж. Куттимуратов — Октябрдан кейин вужудга келган санъатнинг — ҳозирги замон Қорақалпоғистон санъатининг намояндаларидан биридир..

4 март куни Ўзбекистон санъат музейида очилган Қорақалпоғистон бадиий выставкасида рассомлик, графика, ҳайкалтарошлик асарлари, амалий санъат усталарининг асарлари намойиш қилинмоқда. А. Еримбетов, А. Гробко, Х. Маткаримовнинг асарлари кишилар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Қорақалпоғистоннинг бугунги санъати аслида қаердан бошланганлигини кўрсатадиган залда ўтовлар учун безак бўладиган рангбаранг гиламчалар, музика асбоблари, керамика, халқ усталарининг ижоди бўлган кийим-кечаклар қўйилганки, булар тўқилган афсоналар бизнинг кунларимизда ҳақиқатга айланганини тасдиқлайди. Чеварлик билан тўқилган кашталарга, уларнинг нафосатига қарар экансан, гўё ҳозир чодир очилади-ю, у ердан нафис гуллар солинган тўй либосидаги келинчак чиқиб келаётганга ўхшайди...

Халқ санъатининг бу қадар бой коллекциясини жамлаш учун нақадар битмас-туганмас чидамга, нақадар улкан меҳр-муҳаббатга эга бўлиш керак. Худди шунинг учун ҳам ана шу нарсаларни кўп йиллар мобайнида тўплаб келган Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби И. В. Савицкий жамланган нарсаларнинг ҳар бири тўғрисида достон айтиб бериши мумкин.



СУРАТДА: Жуковский номидаги медицина билим юрти студентлари выставка кўргазмалари билан танишмоқдалар.
Р. Альбеков фотоси.

Х. ТУРУМБЕТОВ

ДЎСТИМ БИЛАН СУҲБАТ

Тверь Бульварида дўстим иккимиз
Яна суҳбатлашдик қониб бу оқшом,
Юртим мадҳин тинглар менга тикиб кўз,
Ширин гурунгимиз этади давом.
Дилим тўлқин уриб сўзлаб бераман
Қорақалпоқ элин кўрку чиройин,
Дашту саҳролари бўлганин чаман,
Унга толе йўлдош эканин доим!
Пахта соҳибларин ўтдим таърифлаб,
Шоликорлар мадҳин этдим бирма-бир.
Минг-минг пудлаб донни тутганча
кафтда,
Ёзда бошоқлардан товланишин қир!
Обдон таъриф этдим Орол денгизин,
Устида шўх парвоз этган оққушин.

Бу элнинг тилларда достон қимизи,
Юз йиллик дардга ҳам шифо бўлишин!
Сўнгра ҳазиллашдим:
— Паловхўр халқмиз,
Минглаб гектар ерда етилар шоли.
Дўстим шу заҳоти менга буриб юз,
Қулимсираб берди шундай саволни:
— Деҳқоннинг омади келтида бу йил,
Демак, қору-ёмғир бўлдими мўл-кўл?
— Йўқ, нега?
Ҳар ишга қодирдир бу эл,
Дарё очишга ҳам уволур қўл!!

О. ҲАКИМОВ
таржимаси.

Камол МАМБЕТОВ,
қорақалпоқ ёзувчиси.



(ҲИКОЯ)

Бир минг тўққиз юз йигирма бешинчи йилнинг қахратон қиш кунларидан бири. Тошкент вокзалида турибман. Қор шитоб билан ёғмоқда, совуқ одам башарасини зирқиратганча чимчилайди. Рельслар оппоқ қор билан қопланган, ҳаммаёқ теп-текис майдонга ўхшайди. Агар тўхтаб турган вагонлару, паровозлар бўлмаганда эди, бу ердан поезд юради деб ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳамма ёқни қалин қор қоплаган. Куннинг кеч бўлиб қолишига қарамай, йўловчилар тўп-тўп бўлиб туришганидан бир ердан иккинчи ерга ўтиш амри-маҳол. Улардан бирининг қўлида чамадон бўлса, иккинчиси қопчиғини орқасига осиб олган. Гапларига қараганда Тошкент—Чоржўй поездини кутиб турганга ўхшайдилар. Поезднинг жўнаб кетишига ҳали роппа-расо ярим соат бор.

Эскириб кетган катта чамадонимни ерга қўйдиму, ҳудди бировни излаётгандай у ёқ бу ёққа аланг-жаланг қарай бошладим. Оёғимдаги чарм этикдан муз ўтиб кетганди. Эгнимда юпун чопон, бошимда эса эскириб кетган телпак. Гарибона бу кўринишимдан ҳеч ким мени студент деб ўйламаса ҳам керак. Тошкентдаги механизация техникумини битириб, қўлда дипломим билан қишлоғимга қайтмоқдаман. Энди Тўрткўлдаги механизация мактабида дарс бераман. Ана ундан сўнг уст-бошимни шайлаб, онамга ҳам албатта пальто олиб бераман деб ўйлаб қўйдим ичимда кувонганимча. Ширин ўй-хаёллар билан бўлиб, ёнимга поезднинг келиб қолганини ҳам сезмай қолибман. Поезд узун-узун гудок бериб келмоқда. Ҳаёлим ўзимга келиб, четга чиққан ҳам эдимки, ногоҳон қаердандир:

— Ёрдам беринг, жон ака!—деган қизнинг ёлворган овозини эшитдиму, ялт этиб товуш келган томонга ўгирилдим.. Чунки Тошкентда уч йил ўқиб, қорақалпоқ қизининг овозини биринчи маротаба эшитишим, қулоғимга иссиқ кирди. Саводли одамлар кам бўлганлиги важидан Қорақалпоғистондан Тошкентга саккиз йигит ўқишга келгандик. Қизларни-ку, тилга олмаса ҳам бўлади.

— Қаердансиз синглим:—дедим ҳайратдан донг қотганча. Қиз бошини кўтарди, негадир қуюқ мужгонлари орасида кўз ёшлари йилтиллаб турарди.

— Чимбойданман.:: Сизчи? — деди қиз кўзимга термулганча.

— Хўжайлидан.::

У худди узоқ излаб юрган одамини тасодифан учратиб қолган одамдай бўйнимга осилиб олди. Кора кўзларидан маржон-маржон бўлиб оқаётган кўз ёшлар бетимни куйдирарди.

— Нима бўлди ўзи? — дедим ҳеч нарсага тушунмай

— Биласизми?.. Мен Турмушга чиқиб кетган опамни қидириб келганман. Бечора онам босмачилар олиб қочиб кетган катта опам Гулсарани ҳол-аҳволидан хабар олиш учун юборган эди. Мен опамни кўраману, тезда уйга қайтарман деган умидда келгандим. Виждонсиз, ақмоқ поччам мени қандайдир бир каллакесарга пуллади. Кошки мен уни севсам.:: Бир амаллаб ит азобида зўрға қочдим. Орқамдан ўн икки айғоқчи қўйилган. Мен сиз чиқадиган вагонга билет олган эдим. Қандай чиқишга бошим гаранг. Илтимос, ёрдамингизни аяманг, —деди қиз ялиниб-ёлворib.

Қизга тикилиб қарамаган эканман. Унинг бошдан-оёғига разм солиб чиқдим. Ёшлигимда кўриниши худди шунга ўхшаш бир қизни учратгандим. У пайтларда ёш бўлганим учунми, муҳаббат нималигини билмас эканман. Йигитлик балоғатига етгач, жуда париваш қиз бўлмаса-да, ҳар ҳолда кўҳликкина қиз бир жилмайиб қўйишига ҳам маст бўлиб юраркансан киши. Бироқ қаршимда мендан нажот истаб турган гўзал қизнинг кулмай боқиб туриши мени лол қилиб қўйганди.

— Ортимдан неча киши тушган дедингиз, — сўрадим ундан.

— Ун иккита..::

Вақт зиқ. Иложи борича, қизга тезроқ ёрдам бериш даркор.

— Ана улар! Қўрқаман!— деди қиз тўсатдан қалтираганча бўйнимга осилиб олиб. Хайриятки, панароқ жойда турган эканмиз, кўришмади. Сариқ пўстин, янги телпак, кавуш-маҳси кийиб олган, эллик ёшлар чамасидаги қора соқолли киши вагон олдида кўзлари олма-кесак терганча у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Қизнинг қўлидан ушлаганча муюлишга олиб келдим. Бу ерда уст-боши қопқора кўмирга беланган гўлоқ чол кўмирларни бир ерга тўплаётган экан.

— Ота..:: Савобли иш қилинг. Мана бу севган қизимни Хўжайлига олиб қочиб кетаётган эдим, бахтга қарши ортимиздан айғоқчилар тушибди. Ёрдамингизни дариғ тутманг, отажон!..:: Поезд юргунча шу киз кўмирхонангизда кириб турсин, ҳозир келиб олиб кетаман,— деб сўзимни тугатмасимданоқ, соқолига оқ оралаб қолган чол, бошини сарак-сарак қилганча:

— Қўй болам..: Бошимни балога қўйма! Чор-ночор ингиллаб кун кўриб юрган одам бўлсам, — деб илтимосимни инобатга олмади.

Айғоқчилар биз турган ерга яқин жойларда ҳам ўралашиб қолдилар. Нима қилиш керак?.: Чор-ночор яна чолга ялина бошладим:

— Отажон! Наҳотки раҳмингиз келмаса! Илоё фарзандларингизнинг рохатини кўринг, илтимос қиламан, ёрдам қилинг.

Чол бир оз иккиланиб турди-ю, ниҳоят икки букилганча омборхона томон юра бошлади. Қувончимдан юрагим торс ёрилай деди.:: Чол бизни ўтинхонага беркитди, сўнг мен қиздан:

— Отингиз нима? — деб сўрадим.

— Орзигул:

— Орзигул..: Орзигул.::— такрорладим ҳаяжонимни босиб олишга уриниб. Иккимиз бир-биримизга узоқ тикилиб қолдик. У энди бир нарса дейиш учун оғиз жуфтлаган ҳам эдики, ташқаридан келган овозни эшитиб, қўрқувдан қизнинг кўзлари кинидан чиқиб кетаёзди, бечора дағ-дағ титрарди. Орадан озгина фурсат ўтгач, чол келиб эшикни очди-да:

—Бошимга ит куни тушишига оз қолди-я! Аблаҳ, газандалар ҳаммаёқнинг тинчитисини чиқаришди. Бахтимдан ўргилайки, бу ерни текширишмади. — деди у ёқ-бу ёққа аланглаб: — Энди чика қолинглар, болаларим!— деб қўшиб қўйди.

— Отажон. Орзигул бир оз шу ерда тура турсин. Ҳозир қайтиб келаман, — дедим-да ташқарига чиқдим. Қулоғимга: «Тошкент—Чоржу поездининг кетишига беш минут қолди» деб дикторнинг огоҳлантириши эшитилди. Одамларнинг кўпчилиги поезга аллақачон жойлашиб олган. Кузатувчиларнинг сонсаноғи йўқ. Атрофдан кимнингдир, насиҳат қилгани, кимнингдир, «ҳат ёзиб тур!» деган сўзлари эшитилади. Ҳамма вагоннинг олдида айғоқчилар ҳар бир кимсага кўзларини тикандек қадаб турганликларини кўрдим-у, ҳушим бошимдан учди. Нима қилиш керак, а?!

Қандай бўлмасин, бугунги поезддан қолмасак, иш пачавалигига кўзим етиб яна ортимга қайтдим. Ўтинхонада Орзигул кўрқувдан бир бурчакка қапишганча турарди. Мен ўз фикримни айтган эдим, у бош чайқаганча:

— Биласизми?..: Агар бугун бир иложини қилиб кетмасак, аҳвол чатоққа ўхшайди, — деди менга тикилганча.

Нима қиларимни билмасдим. Назаримда иккимизни ҳам тутиб олишаётгандай эди. Поезднинг охирги гудогини эшитдиму, биров устимдан бир челак муздек сув қуйиб юборгандек сесканиб кетдим. Лоп этиб миямга бир фикр келиб қолса бўладими. Эгнимдаги чопонимни ечдим-да, дарров Орзигулга кийгиздим. Эскириб кетган қалпоғимни эса сочларини турмаклаб бошига кийгаздим. Орзигул бинойидек барно йигит бўлди-қўйди: Гўлоқ чолга кўпдан-кўп раҳмат айтганча, чамадонимни олиб, Орзигулнинг қўлидан ушлаганча, вагон томон чопдим. «Ушлаб олишса-я» деган ўйда юрагим ҳаприқарди. Айғоқчилар ҳар бир одамни зийраклик-ла кузатишарди. Негадир бизга унча эътибор ҳам қилишмади. Улар кўпроқ аёлларга тикилишарди.

Ичкарига киришимиз билан яна юрагим орқамга тортиб кетди, чунки вагонда текширув бўлаётган экан. Биринчи вагоннинг проводниги ўзим тенги ёш йигит экан. Уни воқеадан хабардор қилган эдим, бизни ўз хонасига киргизиб устимиздан қулфлаб қўйди.

Поезд ўрнидан қўзғалди.

— Исмингиз нима? — деб сўради Орзигул мендан. Оғзимга талқон солгандек мик этмадим. Нега денгизми? Ҳа-я, нима исмимни айтишдан уяламанми? Йўқ:.. Исмим Бахт: Қизиқ: Агар унга исмимни айтсам, «Сен менинг бахтимсан» дегандек туюлади деган хаёлга бордим. Исмимни айтмаётганлигимдан қиз хавотирлана бошлаб, кўзидаги қувонч ўрнини, қўрқув эгаллади. Исмимни айтмай, иложим йўқ эди. Шунинг учун:

— Бахт, — дедим.

Бу сўзни эшитиши биланоқ, қулф уриб очилган гулларни бахор еллари эркалаб сийпалагани каби Орзигул бошини кўтарди. Унинг порлаб турган жозибадор кўзларидан: «Ҳа, ҳақиқатан менинг бахтимсан», деган маънони уқиб олдим. Иккимиз ҳам дардимизга малҳам топгандек узоқ бир-биримизга тикилиб қолдик.

Марҳамат Жўраева
таржимаси

Социализм мамлакатларида

ЯНГИ ЙЎЛЛАР

ГАВАНА (АПН — Пренса Латина). Кубада кейинги вақтларгача замонавий қопламали яхши йўллар оз эди. Бу эса янги ерларни ўзлаштириш, шакар қамиш ва кофе плантацияларини юзага келтириш ишларини тўхтатиб турар, аҳоли яшайдиган кичик пунктларнинг маъмурий марказ билан алоқа қилишини қийинлаштирарди.

Ҳозир оролда тақомиллаштирилган йўллар тармоғини қуриш ишлари олиб борилятти. Йил охиригача 1600 километрга яқин янги магистралларни ишга тушириш мўлжалланди.. Айниқса Камагуэй вилоятидаги ишлар муваффақиятли бормоқда. Қишлоқ қурилиш бригадалари билан бир қаторда қўп сонли кўнгиллилар ҳам бу ишда қатнашяпти.

«ЭГЕР ЮЛДУЗЛАРИ» ЭКРАНДА

БУДАПЕШТ (АПН мухбири). Ҳозир мамлакат кинотеатрларида «Эгер юлдузлари» фильми катта муваффақият билан кўрсатиляпти. Бу фильм Венгрия адабиётининг классиги Гез Гардонининг 1901 йилда ёзган шу номдаги романи асосида ишланган. Бу фильмда Венгрия халқининг турк қўлдорларига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Босқинчилар галасини тўхтатиб қўйган Эгер қалъасини мудофаа қилиш фильмнинг тантанали манзараси ҳисобланади..

Фильм устида республиканинг энг яхши киноматографчилари таниқли режиссёр Золтан Виркон раҳбарлигида иш олиб боришди. Икки сериялы рангли қаҳрамонлома роллари томошабинларнинг «овоз беришш» асосида тақсимланди. Бош ролларда ўйнаш учун артистлар танлашда кўп сонли кино шинавандалари иштирок этди. Фильмни суратга олиш вақтида Венгрия Халқ армиясининг солдатлари ва спортчилар қатнашди. Афсонавий жангларни тасвир этувчи кадрлар Пилиш тоғларида суратга олинди. Бу ерда Эгер қалъасининг нусҳаси қурилган эди.

ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИ

УЛАН-БАТОР. Монцамэ агентлиги хабар беради: мамлакатдаги энг йирик давлат хўжаликларидан бири «Дархан»нинг янги маркази Совет Иттифоқининг ёрдами билан барпо этилмоқда. Бу марказ замонавий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш комплексидан иборат бўлади. Бу ерда йирик ишлаб чиқариш иншоотларидан ташқари мактаб, магазин, болалар боғчалари яслилар клуб, кинотеатр ва уй-жойлар ҳам қурилади.

Ҳозирги вақтда ана шу йирик қишлоқ хўжалик иншооти қурилиши қизитиб юборилди. Бу иншоот 1973 йилда қўриб битказилади.

(ТАСС).

ОЗОДЛИК БАЙРАМИ

СОФИЯ. Туркия илгари беш аср мобайнида Болгарияни эзиб келган эди. Болгар халқи ўз мамлакати Туркия зулмидан озод қилинган кунининг 91 йиллигини нишонламоқда. Шонли сана шарафига мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида тантанали йиғилиш ва мажлислар ўтказилмоқда. Халлоскор рус жангчилари ҳайкаллари ёнига гулчамбарлар қўйилмоқда. Болгария газеталари шу йилликка бағишланган мақолаларини босиб чиқардилар, ўтмишга доир ҳужжатларни ва бошқа материалларни эълон қилмоқдалар.

Россия фарзандларининг ватанимизни озод қилиш учун тўкган қони, деб ёзади «Работническое дело» газетаси, болгарлар билан русларни қардошлик ва сўнмас муҳаббат воситалари билан мангу боғлади.

(ТАСС).

ОЛДИНГИ САФДА БОРМОҚДАЛАР

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасида Германия Бирлашган Социалистик партияси бошланғич ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда. Март-апрель ойларида ўтказиладиган ана шу миҳим сиёсий кампанияда Германия Бирлашган Социалистик партияси аъзолари ва партия аъзолигига кандидатлардан 1,8 миллион киши, яъни республикадаги бутун аҳолининг ўндан бир қисмига яқини бевосита қатнашади. ГДР меҳнаткашлари Германия Бирлашган Социалистик партиясига раҳбарлигида социализм қурилишида, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда тарихий ғалабаларга эришдилар. Республика ҳозирги вақтда жаҳондаги энг кўп тараққий этган ўнта индустриал мамлакатнинг биридир. Саноат ишлаб чиқаришн ҳажми 1950 йилдан тортиб ҳозирги вақтгача 4,5 баравардан зиёд, ташқи савдо обороти эса 8 баравар кўпайди.

Германия Бирлашган Социалистик партияси сафларининг доим ўсиб бораётганлиги Германия Демократик Республикаси халқининг маънавий-сиёсий бирлигини, унинг ўз марксча-ленинча партиясига астойдил ишонаётганлигини исбот қилади. 1968 йилнинг биринчи ярмидагина партия сафига яна 50.170 киши қабул қилинди.

Йиғилишларнинг қатнашчилари Боннинг Ғарбий Берлинга нисбатан ғайри қонуний экспансиячилик ниятларини газаб билан қораламоқдалар, Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг позицияларини тамомила қўллаб-қувватламоқдалар, ўзининг ишчи-деҳқонлар давлатини бундан буён ҳам тинмай мустаҳкамлаш, унинг Совет Иттифоқи билан ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан дўстлигини кўз қорачиғидек муҳофаза қилишга қатъий қарор берганлигини айтмоқдалар. (ТАСС).



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Ҳозир социалистик мамлакатлардаги аёллар эрканлар билан бир сафда турибгина қолмай, халқ хўжалигининг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.
СУРАТДА: Айка шаҳрида қурилаётган янги фабрика лойиҳасини ишлаётган венгриялик инженер аёл.
МТИ—ТАСС фотоси.

ШИША УЙ

ПРАГА (АПН — япти. Одатдаги материаллардан фойдаланиб қурилаётган ер тўла ва пойдеворни ҳисобга олмаганда бинонинг қолган ҳамма қисмлари —деворлари, том тўсинлари, изоляция қистирмалари шиша ви шиша материаллардан қилинади. Жумладан, бинонинг ички қопламалари ва поли учун шишадан ҳосил этилган янги хил материаллардан фойдаланилади.

ШОПЕН ҲАҚИДА КИНОЛЕКТОРИЙ

ВАРШАВА. (АПН —Интерпресс). Лодзидаги илмий-оммабоп фильмлар киностудиясида Фредерик Шопен ҳақидаги учта кинноверлани суратга олиш иши тугалланяпди. Улардан бири 1830 йилда Варшавада композиторга берилган паспортга қўйилган белгидан келиб чиқади. Бундай ҳужжати бўлган киши Франция пойтахтига бориш ҳуқуқига эга бўлган. Шопен Парижда жойлашиб қолгандан кейин умрининг охиригача шу ерда яшаганн ҳаммага маълум.

«Шопен Парижда» деган иккинчи фильм унинг бу шаҳардаги турмушига бағишланган. Фильм учун Париждаги поляклар кутубхонасида сақланаётган поляклар кутубхонасининг расмли материалларидан фойдаланилган. «Ноан» деб аталган учинчи фильмда Польша ёзувчиси Ярослав Ивашкевичнинг Шопеннинг Ноан давридаги турмуши ҳақида ҳикоя қилувчи драмасидаги парчалар экранлаштирилган. Бу триллогияни атоқли режиссёр Станислав Грабовский суратга олиш ишн Карлови Варн Дрезден ва Францияда олиб боришди. Польшанинг талантли пианинночиси Регина Смендзянске буюк музикачининг асарларнин ижро этмоқда.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

8 март

ШАНБА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт.
8.25 «Ассалом, бахт тонги» деган концерт.
9.30 Қўшиқлар (ўзбекча).
10.10 «ДУГОНАЛАР» радиожурнали.
11.35 И. Ҳамроев. «Ўзбекистон хотин-қизлари» кантатаси.
12.15 Хотин-қизларнинг талабларига мувофиқ концерт.
13.30 «Баҳор табассуми». Хотин-қизлар учун лирик концерт (русча).
15.10 «Правда» газетасининг обзори.
15.20 «Саломалайкум» радиожурнали (русча).
16.10 Эстрада концерти.
17.20 Ўйғур қўйлари.
17.45 «Устюрт ер ости бойликлари» деган эшиттириш.
18.00 Ўзбек куйлари.
18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча).
19.20 Ўзбекистон радиоси артистларининг концерти.
20.00 «Ленинюма» программаси (ўзбекча).
20.30 Раке куйлари.
21.00 «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча).
21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.
22.20 Хотин-қизлар учун байрам концерти.
23.10 Байрам концертининг давоми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Хотин-қизларнинг талабларини ижро этамиз (русча).
9.15 Спорт эшиттириши (русча).
19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча).
19.30 «Ўзбекистон қизлари». Ўзбек шоирларининг шеърлари (русча).
20.00 «Она мадҳи» деган адабий эшиттириш (тожикча).
20.30 Озарбайжон куйлари.
20.50 «Менинг Қорақалпоғистоним». Қорақалпоқ шоири Г. Сейитниязаров сўзи.
21.00 Ўзбекистон радиоси солистлари ва эстрада оркестрининг концерти.
21.40 Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган адабий-мусиқали эшиттириш (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 М. Зив. «Ҳақиқий эркак» операттасининг монтажи.
14.30 «Саҳна усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти К. Ефремова (русча).
16.00 «Дугоналар» радиожурнали.

ТЕЛЕВИЗОР

8 март

ШАНБА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида:

10.00 Эстрадани севувчилар.
10.50 К. Паустовский. «Олтин гул». Адабий композиция (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун.
12.45 Телевизион янгиликлар.
13.00 Музикали дам олиш программаси.
13.30 «Билим. Илмий-оммабоп программа.
14.00 Шаҳарларнинг музикали турнири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида:

17.00 Телевизион янгиликлар.
17.10 «Она паспорти». Телефильм.

Ўзбек тилида:

17.40 Болалар учун. «Ҳамиша бўлсин онам».
18.10 Телевизион янгиликлар.
18.20 «Хотин-қизлар». Бадиий фильм.
20.00 «Ерқин ҳаёт». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган махсус сони.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.00 Телевизион янгиликлар.
22.15 «Огонёк».
23.30 Социализм дунёси.
24.00 Енгил атлетика бўйича Европа биринчилиги. Югославиядан олиб кўрсатилади.
01.00 Рангли телевидение программаси. «Кеча, бугун ва ҳамиша». Музикали телефильм премьераси.
02.00 Фақат фактлар, кўрсатишлар программаси.
02.10 Москва эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

15.00 Интервидение. «Юлдузлар». Телепрограмма.
15.30 «Сенга, ёшлик».
16.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа.
16.30 Болалар учун телевизион театр.
18.15 Телевизион янгиликлар.
18.30 Эфирда «Молодость».
19.30 Қишлоқ клуби.
20.30 «Яна бир марта севги ҳақида». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00 «Евдокия». Бадиий фильм (ўзбек тилида).

Кино

7 МАРТДА

«Олтин маъбуда» учун кураш — САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА», «ВОСТОК» (кечқурун).

Дугонам Сибилла — «ЎЗБЕКИСТОН кечқурун, «МОСКВА» (кеч соат 9 да).

Ниқобли исёнчи — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), НАВОИЙ кеч соат 7 яримда.

Ака-ука Карамазовлар (3-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8 да).

8 МАРТДА

«Олтин маъбуда» учун кураш —«ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 5 яримда), «МОСКВА» (эрталаб соат 11,40 минутда, кундуз 1,5 ва кеч 7 да).

Ниқобли исёнчи —«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ НОМЛИ (эрталаб соат 10,20, 11,30 минутда ва кеч 7 яримда), «ЧАЙКА» (кеч соат 10 да).

Дугонам Сибилла —«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 3 ва кеч 9 да).

Ака-ука Карамазовлар (1-2 сериялар кундуз 2 яримда, 3—серия кеч 7 ярим ва 9 да)— САНЪАТ САРОЙИ.

Тошдаги достон (ўзбек тилида)—НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз 1 ярим ва 4 яримда).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да Бой ила хизматчи.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

1969 йил 17 март кундуз соат 2да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия-технология ва биология бўлимларининг ботаника профили бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Гоголь кўчаси, 70 уй, конференц залда) биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Р. Акрамов: «Ўзбекистонда зира ўсимлигининг тарқалиши, рационал фойдаланиш йўллари ва био-экологик хусусиятлари» деган темада;

В. А. Голосов: «Полиплоид шаклли Г. арбореум ва Г. хербацеум пахта турларини колхицин таъсирида олиниши ва уларни турлараро дурагайлашда ишлатилиши» деган темада

Диссертациялар билан академия кутубхонасида (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй) танишиш мумкин.

1969 йил 19 март кундуз соат 3да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлимининг иқтисод бўйича бирлашган илмий совет мажлисида, Гоголь кўчаси, 70 уй, конференц зал фойесида) иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Л. М. Миронова: «Ўзбекистон ССР тухумга ихтисослаштирилган давлат паррандачилик фабрикасида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва таннархини арзонлаштириш имкониятлари» деган темада;

М. М. Мирпаёзов: «Тошкент область колхозчиларининг меҳнат ҳақи системасини такомиллаштириш ва даражасини кўтариш» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонасида (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) танишиш мумкин.

1969 йил 20 март кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети филология фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети мажлисида (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, бош корпус, Г-309 аудитория) филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун.

О. Д. Аҳмедова: «Ўзбек тилидаги баъзи эргаш конструкцияларнинг синтактик синонимлиги ва структуравий хусусиятлари» деган темада;

Л. И. Левина: «А. И. Куприн ижодида инсон концепцияси (революциягача бўлган давр)» деган темада

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
8 мартга белгиланган
БАҲОРГИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ
артистларнинг анжомлари келмаганлиги сабабли
10 МАРТГА КЎЧИРИЛАДИ

Сотиб олинган билетларни алмаштириш ва цирк кассасига қайтаришингиз мумкин.
Касса эрталаб соат 11 дан кеч соат 6 гача ишлайди.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ (ЦУМ)

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАРГА

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ

Марказий универмагдан кредитга сотиб олинган моллар учун пулни Тошкент универмагининг Давлат банки шаҳар бошқармасидаги махсус суда счётидаги 19245104 номерга

ЎТКАЗИЛСИН.

ҲУРМАТЛИ ЭРКАКЛАР!

Сиз рафиқангиз, онангиз, ва яқин ўртоқларингиз учун 8 март байрамига кенг миқдорда хотин-қизларнинг бахорги ёзги, чиройли чет эл пайафзалларини «Ташқибувторгнинг» қуйидаги магазинларида ҳарид қилишингиз мумкин:

1 — Киров кўчаси, 23 уй;
2—Кафанов кўчаси, 106-уй;
4— Т. Шевченко кўчаси, 13 «а» уй;
6— Қўйлиқ;
7— Новомосковский кўчаси, 17 уй;
10 — Луначарский маркази;
27— Шота Руставели кўчаси, 59-уй;
29— Чилонзор массиви 10 квартал

Шунингдек Навоий кўчасида жойлашган промтовар ярмаркаси магазинларида Олой, 1-Май бозорларидаги магазинларда:

МАГАЗИНЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ!

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМ» УЙИДА
(Киров кўчаси, 24 уй)
9 МАРТДА
ЛИРИКА ВА САТИРА КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кечада МУҲАББАТ ШАМАЕВА, АЛИЖОН ҲАСАНОВ, ИЛЕС МАЛЛАЕВЛАР; аскиячилардан: ЗАЙНОБИДДИН ЮСУФЖОНОВ ва ОДИЛЖОН ОХУНЖОНОВЛАР қатнашадилар.

Кеча охирида «МУҲАББАТ» номли телефильм кўрсатилади.

Кечани шоир ТУРОБ ТЎЛА олиб боради.

Кеча, кеч соат 7 да бошланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШҚАРМАСИНИНГ

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ

(Педагогический кўчаси 15- уй) телефон № №3-3-95-33, 33-45-95
ТЎЙ, УЛУҒ САНА, БЕНКЕТЛАР, ОИЛАВИЙ КЕЧАЛАР, «ОГОНЕК» КЕЧАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН

РЕСТОРАНЛАР ВА КАФЕЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

ҳамда тортлар, пирожнийлар, пироглар, сомсалар, балиқ ва сабзавот полуфабрикатлари, ҳар турли хамирлар тайёрлашга

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ресторанларнинг кулинария маҳсулотлари буюмлари ва полуфабрикат магазинлари савдосида ҳар куни қуйидаги моллар бор:

ГЎШТ ПОЛУФАБРИКАТЛАРИ: қийма, бефстроганлар, гуляш, лангет, чехомбили, кабоб, палов масаллиғлари, шўрвалар;

САБЗАВОТ ПОЛУФАБРИКАТЛАРИ: картошка лавлаги, сабзи котлетлари, артилган пиёз ва кар тошка;

ҲАМИРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ПОЛУФАБРИКАТЛАР: лағмон, чучук ва ачитилган хамирлар;

ТАЙЁР КУЛИНАРИЯ МАҲСУЛОТЛАРИ: ҳар хил пироглар, растегайлар, сомсалар мантилар, ҳар турли перашкилар, димланган гўшт, қовурилган товуқлар балиқ, гўшт;

КОНДИТЕР МАҲСУЛОТЛАРИ: тортлар, печеньелар, булочкалар, пирожнийлар кекслар.

РЕСТОРАНЛАР АДРЕСИ: («Тошкент» — Ленин кўчаси. Телефон № 3-3-28-92;
«БАҲОР» — Куйбишев кўчаси, 8 уй. Телефон № 3-3-18-72;
«ШАРҚ» — «Правда Востока» кўчаси. Телефон № 3-3-14-16;
«ОКТЯБРЬ»— Октябрь бозори. Телефон № 4-33-62;
«ГУЛИСТОН» — Калинин майдони. Телефон № 4-54-28;
«РОССИЯ» — Саперний майдони. Телефон № 3-3-29-82;

КАФЕЛАР АДРЕСИ:
«ДРУЖБА» — Революция хиёбони майдони. Телефон № 3-3-34-04;
«ГУЛНОРА» — Ленин кўчаси. Телефон № 3-3-65-68.

КУЛИНАРИЯ ВА ПОЛУФАБРИКАТ МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:
Навоий кўчаси, 17 уй; Калинин майдони — «Гулистон» ресторанидан;
Энгельс кўчаси —«Тошкент» ресторанидан;
Куйбишев кўчаси, 8 уй —«Баҳор» ресторанидан;
Бируний майдони —«Россия» ресторанидан;
Ҳар жума ва шанба кунлари Олег Кошевой номли хиёбонда (Ленин ва К. Маркс кўчалари) кундуз соат 12 дан кулинария маҳсулотлари ва полуфабрикатларининг савдо-кўргазмаси ўтказилади.



ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИНИНГ РЕСТОРАНЛАРИ ВА КАФЕЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 7 МАРТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари 33-27-57, ахборот бўлими —33-65-57; эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

НАШР № 2697
Р. 00120